

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:1Ф +17
ББК:87.2
Х-72

ХОЛБОЕВА РАЙҲОНА АБДУЛАЗИЗОВНА

**“Ал-Чағминий табиий-илмий
қарашларининг фалсафий моҳияти”.**

5А 220313 ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ВА ТАРИХИ

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Мазкур магистрлик диссертацияси XII-XIII асрларда фаолият юритган мутафаккир Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмийнинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг таҳлилига бағишланган. Чағминий нафақат Марказий Осиё, балки Бутун дунёга машҳур бўлган йирик мутафаккирлар Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синоларнинг издошидир. Мутафаккир ўз замонаси учун илғор саналган фикрлар фалсафа, астрономия, математика, тиббиётга оид кўплаб асрлар муаллифи ҳисобланади.

Илмий раҳбар: ф.ф.н. доцент. М. Қодиров

ТОШКЕНТ 2011

К И Р И Ш

Мамлакатимиз мустақиликка эришганидан сўнг ўз юртимиз, тилимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз, тарихимизни билишга, ўзлигимизни англашга қизиқиш ортиб бормоқда. Ётмиш йиллик мустабид тўзум даврида бизнинг тилимиз, динимиз камситилиб, халқимизни маданий, маънавий, тарихий бойликлар, анъаналари ерга урилди. Тарихимизни сохталаштиришга уринишлар бўлди. Гўёки, ўзбек миллати XV-XVI асрларда пайдо бўлган деган қарашлар сингдирилди. Лекин, бизнинг миллатимизнинг ривожланиш илдизлари ўзоқ ўтмишга бориб тақалиши инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Шукурки, ўз истиқлолимизни қўлга киритганимиздан сўнг илм фан, буюк алломаларимизнинг бебаҳо ҳисобланган мерослари асарлари, кашфиётлари билан танишиш, уларни ўрганиш имкониятлари мавжуд.

Ҳозирги кунда биз ёшларнинг олдида тўрган вазифалардан энг муҳими бу тарихимизни сохталиклардан халос этиш, ҳаққоний тарихни баён этиш ва уни келажак авлодларга етказишдир.

Президентимиз Ислам Каримов кўрсатиб ўтганларидек, "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланди."¹

Бу муқаддас заминимизда илм-маърифат азалдан ривож топиб, тараққий этиб келган.

Бундай илм маърифатни ривожлантирувчи олиму-фузалоларимиз халқимизни илм маърифатли қилиш йўлидаги саъй ҳаракатлари бекор кетгани йўқ. Уларни қўллаб-қувватлаб турувчи ҳукмдорлар ҳам бўлганлар.

Биз бу буюк алломаларимизнинг илмий меросларни ўрганишимиз, чуқур таҳлил қилишимиз учун мамлакатимизда кенг имкониятлар яратилган .

Биз ёшлар бу имкониятларимиздан кенг фойдаланиб, халқимизнинг фарзандлари яратган буюк адабий, илмий меъросларини чуқур ўрганган

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т., "Шарк" 1998, 132- б.

холда, халқимиз азалдан буюк маънавий, илмий муҳит остида шаклланиб, тараққий этганини исботлаб беришдир.

Мавзунинг долзарблиги: Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб, вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фўзалолар, олимлар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган.

Биз ўз тарихимизни ҳолисона баён этишимиз, билишимиз учун қўйидаги вазифалар олдимизда турибди:

1) Биз бу вазифани шараф билан бажариш учун юксак малака ва билимга эга бўлган кадрлар тайёрлашимиз керак. Чунки, юксак малакага эга бўлган кадрларгина ўзининг юксак илмий салоҳиятларига таяниб, бу ғоят маъсулятли вазифани уддасидан чиқиб, ҳолисона фикр юрита оладилар;

2) Малакали кадрлар ёрдамида кўплаб манбаларни таржима қилиш ва бу манбалардаги янгилик ва тарихимиз учун муҳим саналган хабарларни аниқ равшан баён этиш;

3) Бу манбалардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизда аввалдан табиий-илмий, гуманитар, аниқ фанларнинг ривож топганлиги ва бу фанларнинг ривожини кейинчалик жаҳон илму-фани тараққиётига таъсир кўрсатганлигини исботлаб беришдир.

Бизга маълумки, араблар истилосидан кейин ислом дини билан биргаликда араб тили ҳам ерли аҳолига сингдирилди. Кейинчалик эса бу тил илм-фан тилига айланди. Барча мутафаккирлар ўз асарларини, ўз ижодларини араб тили ёрдамида яратганлар. Яъни, бу тил фан тилига айланиб улғурган эди. Араб тили билан биргаликда форс тили ҳам юксак тараққий этди.

Ҳозиргача сақланиб қолган илмий меросларимизни катта қисми араб ва форс тилида ёзилган. Бу илмий мерос ва бойликларимизни чуқур ўрганиб, тарихимиз учун янги қирраларни кашф этишимиз учун юқоридаги тилларни мукамал ўзлаштиришимиз шарт.

Тадқиқотимизнинг объекти бўлган Махмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмий фалсафий қарашларининг фалсафий аҳамияти, маъно моҳиятини ўрганиб, бу меросни кейинги авлодларга етказиб бериш улкан илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки Чағминий нафақат Марказий Осиё, балки Бутун дунёга машҳур бўлган йирик мутафаккирлар Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синоларнинг издошидир.

Чағминий ўз замонаси учун илғор саналган фикрлар фалсафа, астрономия, математика, тиббиётга оид кўплаб асрлар муаллифидир.

Бундай мутафаккирларимизни илмий меросларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Президентимиз айтганларидек, “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўпланган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди”.²

Тадқиқоднинг манбавий асослари: Шарқ мутафаккирлари асарлари ва шарқшунос олимлар асарларидан манбавий асос сифатида фойдаланилган. Жумладан, Ўз ФА Шарқшунолик Қўлёмалар Институтида сақланаётган Чағминийнинг асиронимияга оид *الهيئة فى الملخص* (“Мулаххас фи-л ҳайъа”) асарининг № 3049/І ва № 2655/І рақамли қўлёмалар нусхалари ва Қозизода Румий томонидан Чағминийнинг асиронимияга оид “Мулаххас фи-л ҳайъа” асарига ёзилган “Шарҳил мулаххас” номли шарҳ асарининг рус тилидаги таржималари, шунингдек бу илмий ишимизда Чағминийнинг тиббиётга оид *قانونجه* (“Қонунча”) асарининг ҳозирги кунда Ўз РФА ШИ Қўлёмалар фондида № 14108 рақами остида Навал Кишорда нашр қилинган араб тилидаги 1896-йилги тошбосма нусхасидан фойдаландик. Ва бу тошбосма нусханинг **1a** саҳифасидан **5b** саҳифасигача бўлган қисмини ўзбек тилига таржима қилдик.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси: Мазкур магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича республикада махсус илмий тадқиқодлар кам олиб борилган.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Т., “Шарқ” 1998, 133-б.

Махмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийнинг ҳаёти ва ижоди жуда кам ўрганилган. Бизга хаттоки, унинг туғилган йили ҳам маълум эмас. Фақатгина айрим олимлар унинг вафотини 1221-йил деб, кўрсатадилар.

Чағминий ва унинг илмий меросини ўрганиш Европада масалан, Германия, Франция каби давлатларда XIX-асрнинг охирларидан бошланган.

1893-йилда немис тарихчиси, математиги ва машҳур шарқшуноси А.Хохгейм (1840-1898) ўз касбдошларидан бири Р.Рудлоф билан биргаликда Чағминий тўғрисида кенг изланишларини “Немис шарқшунослик жамияти” номли журналда чоп эттирганлар.

Уларнинг изланишлари Берлиндаги Қироллик кутубхонасида сақланаётган Чағминийнинг қўлёзмасига асосланган эди.

Ғарб олимларидан А.Хохгейм (1840-1898), Р.Рудлофлардан ташқари М.Контор (1829-1920), Ф.Вёпка (1826-1864), О.Ф.Готвальд (1813-1870)лар Чағминий ва унинг ижоди билан шуғулланиб, изланишлар олиб борганлар. Ва улар Чағминий яшаган йилларини аниқлаштириш масаласи билан бир неча бор Германияда нашр қилинадиган “Немис Шарқшунослик жамияти” номли немис журналида ўз тадқиқотлари билан чиқдилар.

Совет илмий адабиётларида Чағминий исми дастлаб рус шарқшуноси Б.И.Беляевнинг СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти “Араб қўлёзмалари”даги ишларида ва Т.Н.Қори Ниёзийнинг “Улуғбекнинг астрономия мактаби”деб номланган ишларида эслатиб ўтилганлигини кўрамиз.

Чағминийнинг астрономияга оид “Ал-мулаххас фи ал-ҳайъа”асари дунёнинг бир қанча давлатлардаги кутубхоналарда, хусусан Лейпциг, Берлин, Париж, Қоҳира, Жазоир, АҚШдаги кутубхоналарда сақланмоқда.

Чағминий илмий меросини ўрганиш икки турга бўлинади:

- 1) Чағминий асарларига ёзилган шарҳлар;
- 2) Чағминий асарларини ҳозирги кундаги тилларга қилинган айрим таржималари.

Чағминийнинг астрономияга оид “Мулаххас фи-ал-хайъа”асарига нафақат янги давр олимлари, балки ўрта аср олимлари ва XIX-асрда яшаб ижод этган Марказий Осиёлик мутафаккирлар ҳам ўз шарҳларини ёзганлар. Масалан, Хушка 1599-йилда, Али ибн Усмон 1650-йилда, Муҳаммад Фозил ал-Бухорий 1679-йилда, Муҳаммад Мўмин ибн Муҳаммад Қосим 1578-йилда, Иброҳим ибн Мустафо 1794-йилда, Мавлави Раҳматуллох Жолли 1813-йилда, Мулла Баҳодир Каджади (Макка шаҳридан) 1817-йилда, Ўроз Муҳаммад ибн Рози Муҳаммад 1820-йилда, Муҳаммад Азим Кўлобийлар 1820-йилда ушбу асарга ёзган шарҳлари билан машҳурдирлар.

Мавзунинг мақсади: Илмий ишнинг мақсади Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ал-Хоразмийнинг астрономия, математика, умуман табиий-илмий фанларга оид асарларидаги борлиқ ва унинг шакллари, табиат ҳақидаги фалсафий ғояларини тадқиқ этиш ва унинг илғор ғояларини ҳозирги замон илм-фанига тадбиқ этишдир.

Мавзунинг вазифаси: Илмий ишнинг вазифаси эса, авваламбор Чағминийнинг кам ўрганилган, аммо серқирра ижодини ёритишдан иборат.

Бундан ташқари Чағминий давридаги Мовароуннахр, хусусан Хоразмдаги ижтимоий муҳит ва фалсафий билимларнинг мавқеини ёритиш, Чағминий ўзининг табиий-илмий, фалсафий қарашлари билан Шарқ ва дунё илм-фанига қўшган ҳиссасини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Чағминий табиий-илмий қарашларини ўрганишни яна бир муҳим вазифаси бу мутафаккирнинг илмий меросини ўрганиш давомида Хоразмдаги XII-XIII асрлардаги турли сиёсий вазиятларга қарамай илм-фан, маданиятни қай даражада ривожланганлиги ва бу даврдаги илм-фан ривожига аввалги асрларда яшаб, ижод этган мусулмон Шарқининг етук мутафаккирларининг таъсирини очиқ бериш орқали диёримиз азалдан илм-фан, маданият, маънавиятнинг ривожланган ўчоқларидан бири бўлганлигини исботлаб ва асослаб беришдан иборатдир.

Илмий ишнинг назарий асоси (методи): Илмий иш назарий асосини:

-Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов асарлари, маърузалари ва нутқларидаги илмий ғоялар, назарий хулосалар, амалий маърузалар ва амалий тавсиялар;

-мавзуга доир фалсафа, астрономия, табиатшунослик борасидаги тадқиқотлар ташкил қилади.

Шунингдек, махсус илмий адабиётлардан, ижтимоий ва табиий фанлар соҳасидаги етакчи олимлар қаламига мансуб монографиялар, рисоалар ва йирик илмий мақолалардан ҳам назарий манба сифатида фойдаланилган.

Илмий ишнинг тузилиши Илмий ишимиз ўзаро мантиқий боғланган кириш, асосий қисм, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 61 саҳифадан иборат.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллий маданиятимиз тарихини ўрганишга катта имкониятлар яратди. Маълумки, диёримиз минглаб олиму фузалоларни етиштирган ўлкадир. Бу олимларнинг кўпчилиги ҳали илмий тадқиқот мавзусига айланмаган. Шундай буюк мутафаккир ва донишмандларимиз борки, улар ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмасмиз. Ана шундайлардан бири, хоразмлик ватандошимиз, Беруний даҳосидан баҳраманд бўлган Маҳмуд Чағминийдир. Унинг илмий асарлари Шарқда жуда машҳур бўлса ҳам, унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти бизда яхши ёритилмаган. Унинг туғилган йили маълум эмас, аммо адабиётларда кўрсатилишича, вафоти 1221 йил, деб тахмин қилинади. Чағмин ўша вақтдаги Хоразмшоҳларнинг пойтахти бўлган Кўхна Урганчдан унча узок бўлмаган ерда жойлашган.

Маълумки, XI-XII асрларда Хоразм жаҳон миқёсидаги йирик илмий марказлардан бири бўлган ва шубҳасизки, бу нарса Чағминийнинг илмий дунёқарашининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутган. Бошланғич маълумотини Хоразмда олган Маҳмуд Чағминий ўқишни давом эттириш учун Самарқандга келган. Унинг илмий асарларида Берунийнинг устози бўлган Абу Наср ибн Ироқ бир неча марта тилга олинади. Чағминийнинг “Мулаххас фи-л ҳайъа” асаридан ташқари “Сайланма”, “Тўққиз сонининг риёзиётдаги ўрни ҳақида рисола”, “Меросни бўлиш масалаларида риёзиёт усулларига шарҳ” ва бошқа қатор рисоалари мавжуд.

Маҳмуд Чағминий ўша вақтдаги йирик олимлар каби фаннинг бирор алоҳида олинган соҳаси билан эмас, балки астрономия, риёзиёт, табобот, жуғрофия ва бошқа соҳаларда ҳам жуда сермаҳсул ижод қилди. Бу фанлар ривожининг ҳар бирига шунчалик ҳисса қўша олдики, натижада уни Абу Райҳон Берунийдан кейинги Хоразм илмий мактабининг энг кўзга кўринган олими, деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари Чағминий ўз даврининг барча фанлари эришган ютуқларни жамлаб, ўзига хос қомус тузган алломадир.

Маҳмуд Чағминийнинг фанга қўшган ҳиссаси биринчи навбатда астрономия соҳасидаги кашфиётлари билан ўлчанади. Унинг “Мулаххас фи-л хайъа” китоби ўша замон астрономия фанининг хулосаси бўлиб, жуғрофия ва бошқа фанларнинг умумлашган хулосалари ҳақида ҳам кенг маълумотлар берилади. Бу китобнинг илмий қиммати шундаки, астрономия билимлари тизимларида иш олиб борган Чағминий қадимги юнон астрономия мактаби ютуқлари билан биргаликда Шарқ олимлари, жумладан, Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий ишларини кенг жалб этиш орқали янги хулосалар чиқарган. Унинг бу асарида инсонни ўраб турган оламнинг умумий тузилиши, самовий ёриткичлар, доиралар, сайёраларнинг ҳолати, кўёш, ойнинг тузилиши, кўёш йилининг узунлиги, кеча, кундуз ва бошқа муҳим муаммолар қайтадан ишлаб чиқилган.

Чағминий астрономия муаммоларини ишлаб чиқишга боғлиқ бўлган риёзиётга оид масалалар билан жуда кўп шуғулланди. Унинг самарали изланишлари туфайли доиравий тригонометрия асослари ишлаб чиқилди ва унинг асосий қоидалари “Мулаххас фи-л хайъа” асарида ўз инъикосини топди. Унда тўрт томонли доиравий учбурчак ва унинг хилма-хил турларининг тўла таърифи берилади. Муаллиф биринчи марта уфқий текисликдаги кузатиш жойининг асоси бўлган координатлар системасини муфассал ишлаб чиқишга муваффақ бўлди.

Чағминий ўз асарида геодезия ва жуғрофия муаммоларига ҳам катта эътибор берганлиги сезилиб туради.

Табиатшунослик соҳасидаги ишларда Чағминий тажрибага таяниб, табиат ҳодисаларини ўрганишни тарғиб этар экан, ҳар хил фанлар томонидан тўпланган маълумотларга танқидий ёндошиб, холисона хулоса чиқаришга амал қилди.

Чағминий ўзи тадқиқ қилган фанлар соҳасида тор доирадаги хулосалар билангина чегараланиб қолмасдан, улардан келиб чиқиб йирик фалсафий муаммоларни муҳокамага қўяр эди. Унинг табиатга берган таърифи муҳим аҳамиятга эгадир: “У (табиат) ҳар қандай ҳаракат ва

сокинликнинг манбаидир.” Чағминий фикрича, табиат “табиий кучга” эгадирки, ушбу куч унинг фаолигини зарурий шартга айлантиради.

Маълумки, мошоиюнлар фалсафасида модда билан шакл қанчалик бир-бирига боғлиқ бўлмасин, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиш имконияти мавжуд эди. Бундай имконият маълум даражада Чағминий киритган “бўлинмас заррача”, “унсурий заррача”- яъни атом тушунчаси воситасида баргараф қилинди.

Чағминий фикрича, модда кичик заррачалар кўринишида мавжуд, ammo уларнинг хусусияти шундан иборатки, уларда модда ва шакл бир-бирдан ажратиб бўлмайдиган даражада бирикиб кетган. “Кичик заррачаларни ҳар хил шакл ва табиатга эга бўлган қолипни қабул қилувчи, ундан ҳам кичикроқ заррачаларга бўлиб бўлмайди, яъни ҳар бир заррача ўзининг муайян шакл ва табиий ўзлигига эга. У содда заррача бўлиб, ўзига хос шакл, ўзига мувофиқ келадиган табиатга эгадир.” (“Мулаххас фи-л хайъа” 380 а-бет)

Маҳмуд ал Чағминийнинг қарашларида ўрта аср мутафаккирларининг кўпчилиги тахмин қилган икки хил заррачанинг, яъни атомлар ва ўзига хос молекулаларнинг мавжудлиги ҳақидаги назария ўзининг ёрқин ифодасини топган. Чағминий уларни “бирламчи” ва “иккиламчи” кичик заррачалар деб, сўнгра – “бирламчи заррачани” аниқлаб, уни “унсур”, “ибтидо”, “асосий ашё”, “модда” деб атайдди.

Умумий хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, Маҳмуд Чағминий X-XI асрларда Хоразмда эришилган табиатшунослик ва табобатга доир фан ютуқларини, яъни Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино эришган юксак илмий салоҳиятни Улуғбек мактабига – XV асрлар ўрталаригача етказиб беришда кўприк мавқеини эгаллади.